

## **THE IMPORTANCE OF DEVELOPING PROFESSIONAL CREATIVITY OF STUDENTS**

**Khudoiberdieva Sitora Nizomiddinovna**  
Bukhara Institute of Engineering Technology

Educational and creative tasks The pedagogical process of raising the level of creativity can be considered as a process of transforming students' learning and creative activity, their subjective activity into objective creative activity. Undoubtedly, this concept is directly related to the concept of "developing students' creativity."

**Key words:** creativity, philosophical, creative activity, development, process, psyche, mind, objective, subjective, special.

## **ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ ИЖОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИННИГ АҲАМИЯТИ**

**Бухоро мухандислик технология институти**  
**Худойбердиева Ситора Низомиддиновна**

**Калит сўзлар:** ижод, фалсафий, ижодий фаолият, ривожланиш, жараён, психика, онг, объектив, субъектив, маҳсус.

**Ключевые слова:** творчество, философское, творческая деятельность, развитие, процесс, психика, разум, объективное, субъективное, особое.

Ўқув-ижодий вазифалар ижодий даражасини оширишнинг педагогик жараёнини талабаларнинг ўқув-ижодий фаолиятини, уларнинг субъектив фаолиятини объектив ижодий фаолиятга қайта ўзгартириш жараёни сифатида кўриб чиқиш мумкин ва касбий фаолиятни объективлаштиришнинг киритилган таърифи бўйича талабаларнинг ўқув-ижодий фаолиятларини объективлаштириш атамаси билан белгиланиши мумкин. Шубҳасиз, ушбу тушунча “талабаларнинг ижодиётини ривожлантириш” тушунчаси билан бевосита боғланган.

Ривожланиш (фалсафий тоифа сифатида) – бу материал ва идеал объектларнинг (масалан, онг, психика) йўналтирилган ва қайтарилмайдиган сифатида тавсифловчи қонуний ўзгаришидир. Ривожланиш натижасида объектнинг (унинг таркиби ёки тузилишининг) янги сифатли ҳолати пайдо бўлади. Психикопедагогик адабиётда ривожланиш инсон шахсига (масалан, ўқитиш жараёнида), унинг психикасига нисбатан кўриб чиқилади. Ривожланиш – бу инсон шахсининг ҳаёт фаолиятининг пастки даражасидан юқори даражасига зарурй ички ҳаракати, “ўз-ўзидан ҳаракати” бўлиб, бунда ташки ҳолат, ўқитиш ва тарбия доимо ички шартлар орқали таъсир қиласи. Ривожланиш – бу инсон физик ва руҳий кучларининг ички, кетма-кет, миқдорий ва сифат ўзгаришининг объектив жараёнидир.

Объектив ва субъектив ижодиётларининг биз томондан аввал таърифланган қоидаларидан, шунингдек “ўқувчилар ижодиётининг ривожланиши” тушунчаси кенг қўлланиладиган кўп сонли педагогик ишларнинг мазмунидан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, **талабалар ижодиётининг ривожланиши** – бу улар ижодий фаолиятининг қуий шаклдан олий шаклга ривожланишидир; яъни педагогни илим олиш фаолиятининг мос равишдаги ривожланиши билан кузатиладиган, ўқув-ижодий фаолиятдан, субъектив ижодиётдан объективга ривожланишидир. Педагог фаолиятининг бош мақсади “Талабанинг ижодий фаолиятини қандай ривожлантириш керак?” деган саволга жавоб топиш билан боғлиқ бўлганлиги туфайли, биз томондан тадқиқ қилинадиган тушунчани изоҳлашда “ривожлантириш” атамасининг бир қатор тушунчаларига мурожаат қилиш

**March, 5<sup>th</sup> 2022**

зарур. Улар ўртасида психолого-педагогик тушунчага бу атаманинг қўйидагича талқин қилиниши мос келади:

- юқори даражага етказиш, жуда кучли қилиш;
- мазмунини кенгайтириш, чукурлаштириш ёки ниманидир қўллаш;
- аста-секин такомиллаштириб, кучли, мустаҳкам ва ҳажмли қилиш;
- таъсир ўтказиш, ниманидир пайдо бўлишига ва кучайишига қўмаклашиш.

**Талабалар ижодиётининг ривожланиши** – бу уларнинг ўқув-ижодий фаолиятининг қонуний, йўналтирилган ва қайтарилмас сифат ўзгаришлари, уларнинг субъектив ижодиётнинг янгисини яратиш жараёнининг алоҳида элементлари, қисмаларини эгаллашни назарда тутувчи қуйи шакллардан, ижодий фаолиятнинг олий шаклига – ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини бошқариш ва такомиллаштириш бўйича педагог фаолияти структурасининг мос равишда ўзгариши билан объектив фаолиятга ўзгаришидир. Педагогнинг фаолияти ўқувчиларнинг қобилиятларини индивидуал ва жамоавий ижодиётга очиб бериш, кучайтириш ва такомиллаштиришга қўмаклашиши керак. Ўқувчилар ижодиётини мужассамлантириш уларнинг ижодиётини ривожлантиришнинг қисми (жараён сифатида) ва мақсади (натижа сифатида) бўлиб ҳисобланади. Келтирилган таърифларнинг мантиқи биз томондан қуйидаги, бизнинг тадқиқот учун жиддий аниқликлар киритиш имконини беради.

**Талабаларнинг касбий ижодиётини ривожлантириш** – бу талабаларнинг касбга йўналтирилган ўқув-ижодий фаолиятдан, махсус фанларнинг ўқув материалидан фойдаланиб касбга йўналтирилган ижодий вазифаларни олдиндан айтиб бериш ва ечиш воситасида бўлажак касбий фаолият доирасида шахсий креативликни кўчириш режасида мутахассисларнинг касбий ижодиётига ўтиш жараёнидир. Илмий-услубий даражадаги қарама-қаршилик шу билан тавсифланадики, талабалар касбий ижодиётининг ривожланиш жараёни янги кўринишдаги ноқулай вазиятларни ўқув жиҳатдан олдиндан айтиб беришни ташкил қилиш ва келиб чиқсан вазифаларни ечишни талаб қиласди, бироқ педагогик назарияда бунинг учун зарур бўлган ўқув-ижодий фаолиятни ташкил қилиш усули ишлаб чиқилмаган, махсус фанларнинг ўқув материалидан фойдаланиб, касбга йўналтирилган ижодий вазифалар структураси ва мазмуни асосланмаган.

Махсус фанларни ўқитиши жараёнида талабаларнинг ўқув ва ижодий фаолиятини ривожлантиришни муаммосини таҳлил қилишни якунлаб, қуйидаги хуласалар чиқариш мумкин:

1. Махсус фанларни ўқитиши жараёнида олий ўқув юртлари талабаларининг ўқув ва ижодий фаолиятини ривожлантириш жараёни мажбурий компонент сифатида касбий ижодга тайёргарликни ўз ичига олиши керак.

2. Психологик-педагогик адабиётлар ва педагогик тажрибалар таҳлили талабаларнинг касбий йўналтирилган ўқув ва ижодий фаолиятидан мутахассисларнинг объектив касбий ижодига ўтишининг педагогик назорат остидаги жараёнида талабаларнинг касбий ижодиётини ривожлантириш муаммосини ҳал қилишнинг долзарблигини тасдиқлади.

3. Талабаларнинг касбий йўналтирилган ўқув-ижодий фаолиятини ривожлантириш ва уни объектив касбий ижодга айлантириш учун ностандарт касбий вазиятларни башорат қилиш учун ўқув ва ижодий фаолият компонентларини махсус фанлар таркибига киритиш муҳим аҳамиятга эга.

4. Махсус фанларни ўқитиши жараёнида олий ўқув юртлари талабаларининг касбий ижодиётини ривожлантириш самарадорлигини таъминлаш учун ушбу жараённинг дидактик ва услубий хусусиятларини ўрганиш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Olimov Q.T., Mirzaxmedov.B.M. Kasb-hunar ta’limi tizimida maxsus fanlardan o‘quv adabiyotlarning yangi avlodini yaratish muommolari // Uzluksiz ta’lim.-2004.- №5.-B. 22-26
2. Babanskiy YU. K. Optimizatsiya uchebno-vospitatelnogo protsessa. Metodicheskie osnovy. – M.: Pedagogika, 2005
3. Begimkulov U.SH. Oliy pedagogik ta’lim tizimiga zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishning ilmiy-pedagogik asoslari. Ped.fan. doktori dis. – Toshkent: TDPU, 2007.

**March, 5<sup>th</sup> 2022**

4. Olimov Q.T., M.S. Sayidaxmedova, D. F. Jalolova, M. Q.Bozorova, M.L.Baltaeva, A. A. Alimov. Pedagogik texnologiyalar o‘quv qo‘llanmasi. –T.: «Fan va texnologiya», 2011, 300 bet